Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

Bugungi kunda juda keskin tanqidga uchrayotgan, juda qaynoq munozaralarga sabab bo’layotgan, isloh qilish bo’yicha tahlil ob’ekti va qarama-qarshi g’oyalarga ega bo’layotgan soliqlardan bo’lak islohotlarning boshqa bir yo’nalishi yo’q. Tabiiyki, ideal (benuqson) soliq tizimini jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarning o’ziga xos xususiyatlari, undagi yaratilgan ilmiy va ishlab chiqarish salohiyatini hisobga oluvchi muhim nazariy asos yordamidagina yaratish mumkin.

Iqtisodiyotga soliq yukining darajasini kamaytirish, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimi bo’yicha soliqlarni to’laydigan soliq to’lovchilar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi nomutanosibliklarni bartaraf etish;

Soliqlarni unifikasiya qilish orqali ularning sonini optimallashtirish, shuningdek, o’xshash soliq solish bazasiga ega bo’lgan soliqlarni birlashtirish, soliq hisobotlarini qisqartirish va soddalashtirish, operasion xarajatlarni minimallashtirish;

Makroiqtisodiy vaziyatning barqarorligini, davlat byudjeti va uning daromadlarini shakllantirishning mustahkamligini ta’minlash;

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasining 2021 yil 30 dekabr "2022 yil uchun O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to’g’risida"gi O’RQ-742-sonli Qonuni. O’zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. 2020 yil, 01 yanvar. https://lex.uz/docs/-4674902
2. O’zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi. 2014 yil, 01 yanvar. https://lex.uz/docs/-2304138
3. O’zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi. 1997 yil 01 mart. Moliya: nazariy asoslar: O’quv qo’llanma / T.S.Malikov; –T.: "Iqtisod-Moliya", 2021.
4. Tilabov N.T. “Moliya” fanidan o’quv uslubiy qo’llanma

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ, УЛАРГА ЭРИШИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi
madinasaydakbarova@gmail.com

Аннотация: *Ушбу мақолада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни хақидаги адабиётлар таҳлили ва иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга таъсир қилувчи омиллари келтирилган. Жумладан иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар келтирилган. Шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг*

Published: 17.05.2024

Cite this article: Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna (2024). Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсати ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, уларга эришиш омиллари таҳлили. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/91

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишлари хам келтирилган.

Annotation: *This article presents an analysis of the literature on the role of budget-tax policy in ensuring sustainable economic growth and factors influencing the improvement of the quality of life of the population and the aspects of economic growth. In particular, the conclusions obtained as a result of research on the aspects of economic growth and improving the quality of life of the population are presented. In addition, in order to develop the economy of Uzbekistan in a stable, rapid and proportionate manner, to deepen the structural changes aimed at diversifying the main sectors and increasing the export potential, to modernize economic sectors, complexes and enterprises, to further increase their efficiency and competitiveness on the basis of technical and technological renewal of production in our country priority directions for ensuring growth are also presented.*

Аннотация: *В данной статье представлен анализ литературы о роли бюджетно-налоговой политики в обеспечении устойчивого экономического роста и факторах, влияющих на улучшение качества жизни населения и аспектах экономического роста. В частности, представлены выводы, полученные в результате исследования аспектов экономического роста и повышения качества жизни населения. Кроме того, в целях стабильного, быстрого и пропорционального развития экономики Узбекистана углубить структурные изменения, направленные на диверсификацию основных отраслей и повышение экспортного потенциала, провести модернизацию отраслей экономики, комплексов и предприятий, дальнейшее увеличение их эффективность и конкурентоспособность на основе технического и технологического обновления производства в нашей стране также представлены приоритетные направления обеспечения роста.*

Ҳозирги вақтда иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан ва имкониятларидан унумли фойдаланиш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий воситаси эканлиги учун мазкур соҳанинг назарий-иқтисодий мазмуни, унга таъсир этувчи омилларни чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Шунингдек барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатини тўғри ва ишончли таъминлаш ва юритиш хозирги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади.

Иқтисодий ўсиш турли нуқтаи назарлар орқали ўрганилиши сабабли, унинг интенсив ва экстенсив турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Экстенсив иқтисодий ўсиш табиий ресурслар, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларини қўшимча жалб қилиш ва фақат уларнинг миқдорий ошиши ҳисобига рўй беради. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самара пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари мутоносиблигини таъминлаш борасида:

- пул-кредит ислоҳоти натижасида сўнги 10 йил мобайнида йиллик инфляция даражаси 9-11% атрофида сақланиб қолинмоқда;

- самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида сўнги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланмоқда;

- иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Демак, иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин.

- ҳудудларда иқтисодий ўсиш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;


- иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мухимдир.

1-диаграмма

2021-2025 йилларда ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари


Жорий даврда, глобал ўзгаришлар ҳисобига юқори даражадаги ноаниқликнинг сақланиб қолиниши Давлат бюджетини шакллантириш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштиришни мураккаблаштирди. 2023 йилда ички талабнинг фаол сақланиб қолишига қарамай иқтисодий ўсишнинг секинлашиши прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсиш 2022 йилдагига нисбатан пастроқ, яъни 5,3 %га прогноз қилинмоқда. Иқтисодий фаолликнинг тикланиши ҳисобига мос равишда 2024-2025 йилларда иқтисодий ўсиш 5,6 ва 6% гача кўтарилади. Бироқ, ноаниқликлар сақланиб қолинаётган шароитда турли омилли хатарлар мавжудлиги ҳисобига ушбу прогнозлар нобарқарорлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг барча асосий тармоқларида ўсиш суръати секинлашиши кутилмоқда. Саноатнинг ўсиши 2023 йилда 5,1% гача, қурилиш - 6% гача ва хизматлар соҳаси - 6,7 % гача секинлашади

2-расм.

2021-2025 йилларда ЯИМ таркиби, фоизда

.



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва пандемия давридаги талабнинг кечиктирилганлиги оқибатида дунё миқёсида инфляция даражаси кескин ўсди. Ўзбекистонда 2022 йилда инфляция даражаси 12,3% ни ташкил этди. Буларнинг барчаси инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар прогнозини ташқи хатарлар ва ички омиллар таъсири ҳисобига 2023 йилдаги 5%ни 2024-2025 йилларга силжитади. 2023 йилда инфляция 9,5% даражасида прогноз қилинди.

1-жадвал

2021-2025 ЙИЛЛАРДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ, %

	2021	2022	2023 (прогноз)	2024 (прогноз)	2025 (прогноз)
Инфляция	10,0	12,3	9,5	5-6,0	5,0


Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ташқи савдо айланмаси ўсишда давом этади, 2023 йилда прогноз 58,6 млн АҚШ долларини ташкил этади ёки 2022 йилда кутилаётганидан 17,1 фоизга ортиқдир.

Бу вақт ва масофанинг иқтисодий фаолиятга таъсирини муҳокама қилади ва ҳудудда бир хил бирлик сифатида ишламайди. Демак, ҳудудий микроиқтисодиёт предмети жойлашиш назарияси билан шуғулланар экан, баъзида макон иқтисодиёти атамаси ҳудудий иқтисодиётнинг синоними сифатида ишлатилади, аммо бу ҳолда макро жиҳатлардан кўра кўпроқ макон ва масофанинг аҳамиятига эътибор берилади.Турли мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўрнига улар ҳудудлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга эътибор беришади. Ҳудудий ривожланиш назариялари ва моделларининг турли хил спецификациялари мавжуд (3-расм).

3-расм.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси



Манба:Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

3-расмда келтирилган статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи савдо айланмаси 2005 йилга нисбатан 2022 йилга келиб 30087,2 млн. АҚШ долларига ошиб, 36299,3 млн. АҚШ долларига етди ва бу ўз навбатида мамлакатимизнинг Халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда экспорт ҳажми 2022 йилда 2005 йилга нисбатан 11863,0 млн. АҚШ долларига, импорт ҳажми 18224,1 млн. АҚШ долларига ошиб мос равишда 15127,7 млн. АҚШ доллари ва 21171,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, савдо баланси сальдоси -6361,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Бу эса ўз навбатида маҳаллий бозорларда ҳам маҳсулот сифатига бўлган эҳтиёжни ортиши ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошираётганлигидан далолат беради. Натижалардан кўринадики, глобаллашув ва интеграция шароитида рақобатбардош ҳудудий иқтисодиётни шакллантириш зарурати унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини

бошқаришда устун стратегик ёндашувни олдиндан белгилаб беради.

Анъанавий моделлар сифатида белгиланган ҳудудий иқтисодий ривожланиш назарияларининг биринчи гуруҳи ишлаб чиқариш меҳнат ва капиталга кириш функциясини тақдим этади. Ушбу неоклассик ўсиш назарияларида ҳудудий фарқлар пасайиши ишлаб чиқариш, капитал ва меҳнат омиллари мавжудлигига ва ҳудудлараро ҳаракатчанлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш функциялари бир хил бўлганлиги сабабли, капитал арзон иш кучи билан ҳудудларга ўтишга интилади, ишчи кучи эса тескари йўналишни олади. Ушбу тенденциялар капиталнинг қайтиши ва ишчиларнинг иш ҳақи барча ҳудудларда бир хил бўлгунча давом этади.

Статистика (Descriptive Statistics) таҳлилини амалга оширамиз ва бу орқали тасодифан рўй берган бўлиши мумкин бўлган гуруҳлар орасидаги фарқнинг ишончли эканлиги эҳтимолини баҳолашдан хулоса чиқариш учун статистик маълумотлардан фойдаланамиз. Шундай қилиб, ушбу таҳлилдан умумий шароитлар ҳақида хулоса чиқариш ва олинган маълумотларда нима бўлаётганини тасвирлаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, тавсифловчи статистика бизга катта ҳажмдаги маълумотларни соддалаштиришга ёрдам беради ва ҳар бир тавсифловчи статистика кўплаб маълумотларни оддий хулосага қисқартиради.. Таъкидлаш жоизки, тақсимлашлар фоизлар ёрдамида ҳам кўрсатилиши мумкин. Унга кўра, ўртача ёки медиана, марказий тенденцияни эҳтимолий тавсифлашда энг кўп ишлатиладиган қийматлар бўлиб, ўртача қиймат бўйича ҳудудлар ўртасида ялпи ҳудудий маҳсулот юқори (Андижон (9386,4 млрд. сўм), Қашқадарё (10375,7 млрд. сўм), Навоий (8913,4 млрд. сўм), Самарқанд (11363,1 млрд. сўм), Тошкент (14716,2 млрд. сўм) ва Фарғона (9924,1 млрд. сўм) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (20133,4 млрд. сўм)) ва паст (Қорақалпоғистон Республикаси (4906,0 млрд. сўм), Буҳоро (8028,4 млрд. сўм), Жиззах (4338,8 млрд. сўм), Наманган (6723,1 млрд. сўм), Сурҳондарё (6537,4 млрд. сўм), Сирдарё (3163,6 млрд. сўм) ва Хоразм (5429,5 млрд. сўм) вилоятлари қийматлар бўйича тенглигини (7 тадан вилоятда) кўриш мумкин.

Ушбу қаторларда мода кузатилмади ва бу кузатилаётган статистик қаторлар учун ўртача, медиана ва модаларни бир-бирига тенглигида нормал тақсимот(яъни қўнғироқ шаклида бўлса) кузатилишини эътиборга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакат ҳудудларининг нотекис ривожланаётганлигидан далолат беради ва қолган кўрсаткичларни таҳлил қилиш шарт эмаслигини ифода этади.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки ушбу мақоламиз орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни жамиятимизнинг барча сохаларида ўз ўрнига эгалиги ва унга тўғри муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик

янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Албатта, бунда келгуси истиқбол учун белгиланадиган илмий асосланган даражадаги мақсадлар барча ҳудудлар учун универсал ва умумий ҳисобланади. Ҳудудларда ушбу ва бошқа умумий мақсадларни янада аниқлаштириш, семантик таркибий қисмларни ҳамда статистик қийматларни танлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони
6. Царев В.В. (2004) «Оценка экономической эффективности инвестиций». –СПб; Питер, – 19 с.
7. Шеремет В.В., Павлюченко В.М., Шапиро В.Д. (1998) “Управление инвестициями” Москва, “Высшая Школа”, 82-83 бетлар.
8. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. (2010) “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. – Т.: 347-б.

ELEKTRON TIJORAT: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR

Xolmirzayev Furqatbek Muxtarjonovich
“University of Economy and Pedagogy” NOTM assistenti
Sharobiddinov Abdumalik
“University of Economy and Pedagogy” NOTM talabasi

Annotatsiya: *Raqamli iqtisodiyot tadqiqotlari markazi olib borgan tahliliy o‘rganishlarga qaraganda, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda elektron tijorat raqamli iqtisodiyotning asosiy elementlaridan biriga aylandi. Elktron tijoratning milliy iqtisodiyotda tobora ulushi kengayib bormoqda.*
Kalit so’zlar*: raqamli bank, elektron tijorat,avtomatlashtirish, mobil tizimlar, smart bank.*

ELECTRONIC COMMERCE: PROBLEMS AND PROSPECTS

ABSTRACT

According to the analytical studies conducted by the Digital Economy Research Center, e-commerce has become one of the main elements of the digital economy in Uzbekistan in recent years. The share of electronic commerce in the national economy is increasing.
Keywords: *digital bank, electronic commerce, automation, mobile systems, smart bank.*

Elektron tijorat, internet orqali maxsulotlarni sotib olish va sotishni anglatadi. Bu turi bilan, siz birinchi turdagi mahsulotlarni internet orqali qabul qilish, buyurtma bermish va to'lovni amalga oshirish imkoniyatiga egasiz. Elektron tijorat, eng sodda